



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «24» Март

№ 623 и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Боғот тумани Боғот шаҳарчасида жойлашган “Боғоткиновидео” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “Ер, бино ва иншоотлар”ни реконструкция қилиш ва худуднинг бўш турган ер майдонида “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари” бинолари қуришга рухсат бериш тўғрисида

Боғот тумани архитектура ва қурилиш бўлимининг Боғот шаҳарчасида жойлашган “Ер, бино ва иншоотлар”ни реконструкция қилиш ва худуднинг бўш турган ер майдонида “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари” бинолари қуриш учун туман хокимининг қарорини чиқариб беришни сўраб туман хокимлигига йўллаган сўровномасини, Боғот тумани қурилиш бўлимининг 2019 йил 09 октябрдаги 0463-сонли рухсатномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Шаҳарсозлик Кодексининг 20-моддаси ҳамда Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий Давлат хокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 25-моддасига асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани Боғот шаҳарчасида жойлашган “Боғоткиновидео” масъулияти чекланган жамиятига қарашли “Ер, бино ва иншоотлар”ни реконструкция қилиш ва худуднинг бўш турган ер майдонида “Аҳолига маиший хизмат кўрсатиш шахобчалари” бинолари қуришга рухсат қилинсин.

2. “Боғоткиновидео” масъулияти чекланган жамиятига ушбу ер майдони бўйича белгиланган муддатда туман архитектура ва қурилиш бўлиmidан архитектура режалаштириш топшириғини ишлатиш, махсус лицензияга эга лойиҳа ташкилоти томонидан лойиҳа хужжатларини тайёрлатиш ва экспертизадан ўтказиш ҳамда Хоразм вилояти Давлат архитектура қурилиш назорати Инспекциясидан қурилиш монтаж ишларини бошлаш учун рухсатнома олиш вазифалари топширилсин.

3. Ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман архитектура ва қурилиш бўлими (Ф.Қурбанов)га ушбу ер майдонида олиб бориладиган қурилиш ишларини тайёрланган лойиҳа ҳужжатлари асосида бажарилишини назорат қилиш вазифалари топширилсин.

4. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман хокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчи С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани хокими



О.Холбоев